

---

## ТАШАББУСКОР НУРОНИЙЛАР

Истиқлол МФЙ ҳудудидаги «Фар. Нурмуҳаммад» фермер хўжалигига бугун маҳалла нуронийлари ўз ташаббуслари билан пахта теримига чиқишди.

Нуроний отахонларнинг шижоати ёшларниқидан қолишмайди. Бугунги теримда қатнашаётганларнинг энг ёшлари 65 бўлса, энг ёши улуғи 90 ёшли Мадаминжон Ахмаджонов ота.

Пахта териш баҳонасида улар ёшлиқдаги хотиралар, ичак узди ҳангомалар билан терим янада қизиди. Умри меҳнат билан ўтган инсонни меҳнатдан тўхтатиб бўлмайди, деганлари шу бўлса керак. Дуоғўй нуронийларимиз, бор бўлинглар!

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-09-27 09:27:33